

Хабар

13
(706)-son

31-mart

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бу сонда:

3 -бет

Саломатлигимиз
ўз қўлимизда

4 -бет

Халқаро
ҳаёт

6 -бет

Информационные
технологии
для ВУЗов

7 - 10 -бет

Xabar-TV

11 -бет

Замон билан
ҳамнафас қадимий
почта ташкilotи

12 -бет

Компютер
саводхонлиги

13 -бет

Рад этиб бўлмас
далиллар

(Детектив)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирок этди.



Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини муҳокама қилишди. Йиғилишда ушбу қарорнинг бажарилиши бўйича асосий натижалар кўриб чиқилди, вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаолияти танқидий таҳлил

қилинди. "Ўзинфоком" маркази томонидан Интернет тармоғида давлатимиз ҳаётининг турли томонларини ёритишга бағишланган қатор ахборот порталлари ва веб-сайтлар ишлаб чиқилди.

Айрим вазирлик ва идораларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қароридан белгиланган мақсадли йўналишларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш вазифаси топширилди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига

қўра ишлаб чиқилган таълим ресурслари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат сайтлари ҳамда порталлари каби ахборот ресурслари, шунингдек, энциклопедия ва бошқа ресурслар масъул вазирлик ва идораларга уларни келгусида қўллаб-қувватлаш ҳамда мунтазам янгилаш учун топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари корпоратив тармоқларининг ахборот хавфсизлиги мониторинги натижалари таҳлил қилинди. Барча вазирликлар бўйича ўтказилган таҳлил уларнинг ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги ишларида ягона ёндашув йўқлигини кўрсатди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига ўзларининг ахборот-коммуникация тизимлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олдиндан чора кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишчи гуруҳларининг ҳисоботлари тингланди ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга оид қўшимча чоралар қабул қилинди.

ЎЗА

КО'РИК-TANLOV

Алоқачилар ижодкорлар ҳамдир

Бунга биз Тошкент алоқа касб-хунар коллежида бошланғич касаба уюшмалари кўмиталари ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танловда яна бир бор амин бўлдик.



3-бет ▶

Интернет
ҳамкорларимиз:



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

Haftalik xabarlar

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг таклифига биноан 2006 йил 28-30 март кунлари давлат таширифи билан Корея Республикасида бўлди.**

Ташир асосида ўтган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Музокара яқунлари бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

◆ Матбуотда "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликлариде чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.

Қарорда шахсий ёрдамчи, деҳқон ҳўжаликлариде қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилиши ва "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳўқуқига эга бўлиши қайд этилган ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган.

◆ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан "Минтақавий ҳавфсизликнинг долзарб муаммолари ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуслари" мавзуда семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Давлат ва жамят қурилиши академияси ректори Қ.Назаровнинг жамятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида миллий ҳавфсизликни таъминлаш масалалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.**

Тадбирда мавжуд муаммолари масалаларни ҳал қилишда минтақа давлатларининг сай-ҳаракатларини жипслаштириш, янгича ёндашувларга асосланган қарашларни шакллантириш, ўзаро ҳамкорликда аниқ натижаларга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

◆ **Олий Мажлис Қонунчилик Кўйи палатасида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га кириши чоғида мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирни камайтириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳўқуқий-меъёрий ҳўжатларни халқаро ҳўқуқ нормаларига мослаштириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатида Ўзбекистон 1994 йилда ЖСТда кузатувчи мақомини олганлиги, мамлакатимизда ушбу ташкилотга кириш билан боғлиқ бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилаётганлиги, хусусан, идоралараро комиссия тузилганлиги қайд этилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар муҳокама қилинаётган масалалар асосида Солиқ ва Божхона кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳўжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бугунги кунда қонунчилик фаолиятининг долзарб масалалари эканлигини алоҳида таъкидладилар.

◆ **Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг бу йилги голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Голибларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини — "Матиз" автомобиллари тўхфа қилинди.

◆ "Dedeman silk road Tashkent" мөҳмонхонасида "Омавий ахборот воситаларини эркинлаштириш — жамятни демократлаштиришнинг энг муҳим омил" мавзуда республика конференцияси ўтказилди. Ушбу анжуман Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилди.

Конференцияда мамлакатимизда фуқаролик жамятини шакллантиришда ва аҳолининг сиёсий, ҳўқуқий маданияти ҳамда билимларини оширишда ОАВ ва ахборот агентликларининг тугган ўрни, аҳамияти муҳокама этилди. Шунингдек, анжуманда ОАВ ва ахборот агентликларини ривожлантириш ҳамда эркинлаштириш истиқболлари кўриб чиқилди.

◆ **Гулистон шаҳрида жаҳон андозалари талабларига мос, миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида муҳассас этган янги вокзал биноси ишга туширилди. Вокзал ҳўдудидеги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган.**

SELEKTOR YIG'ILISHI

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров раислигида телекоммуникация тармоғида иш сифатини ошириш масаласига бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Иш сифатига — жиддий эътибор



Кун тартибидеги масала юзасидан Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика марказининг директори Х.Холмухамедов, «Ўзбектелеком» АК «ТошТТС» филиали директорининг биринчи ўринбосари Ш.Каримов, «Ўзбектелеком» АК бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази техник директори Б.Обидов ҳамда Давлат алоқа инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Ф.Умархўжаевларнинг маърузалари тингланди.

Маърузачилар бирламчи ва иккиламчи телекоммуникация, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини тарқатиш тармоқларининг 2005 йил иш яқунлари ва сифат кўрсаткичларига тўхталиб, жойларда ҳамон мутасадди ходимлар томонидан сифат масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги ҳақиде гапирдилар. Хусусан, Ф.Умархўжаев «Ўзбектелеком» АК филиалларида телекоммуникация тармоқларида мавжуд алоқа кабеллари ҳамда иншоотларини эксплуатация ва муҳофаза қилиш

бўйича амалдаги қонун ва меъёрий ҳўжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ишлар замон талаблари даражасида эмаслигини айтиб ўтди.

Селекторда телекоммуникация тармоқларида иш сифатини ошириш борасида, жумладан, «Ўзбектелеком» АКнинг «ШАК», «ТошТТС» ва бошқа филиаллари ўртасида ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, телерадиоэшиттириш станциялари фаолиятини ва телеграф хизмати тизимини такомиллаштириш, каналларни текшириш, ўлчовларни амалга ошириш, захира йўналишларини тайёрлаш, қурилмалар носозликларини бартараф этиш бўйича тартиб ўрнатиш ва доимий назоратга олиш, тармоқдаги синхрогенераторларнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш, тоифали ижарачи каналларни рақамли каналларга ўтказишни тезлаштириш, кабеллар шикастланиши ва ўғриликларнинг олдини олиш бўйича ички ишлар бўлими билан ҳамкорликни кучайтириш, электр энергияси таъминоти бўйича тузилган шартномаларни қайта кўриб чиқиб, уларга ис-

теъмоқчилар ҳўқуқини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш каби ишлар тез орада амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров жойларда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлигини қаттиқ танқид остига олиб, Агентликнинг Андижон, Бўхоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ҳўдудий бошқармалари бошлиқларига сифат кўрсаткичларини бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражага етказишга жиддий эътибор қаратишлари зарурлигини айтди.

Мажлис натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, ушбу қарор билан 2005 йилда телекоммуникация, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини тарқатиш тармоқлари сифат кўрсаткичларининг сезиларли даражада пайсайишига йўл қўйган «Ўзбектелеком» АКнинг «Андижон Телеком» (Ҳасанов), «Наманган Телеком» (Ўқуббаев), «Самарқанд Телеком» (Жайсанов), «Фарғона Телеком» (Тешабоев), «Хоразм Телеком» (Самандаров), «Қашқадарё Телеком» (Қурбанов) ҳамда «Ўзбектелеком Интернетшл МҲ» қўшма корхонасининг Жиззах (Исмоилов) ва Қарши (Рустамов) филиаллари техник директорларига, «ШАК» филиалининг «ШМАТБ-2» (Жўраев) ва «ШМАТБ-8» (Худойбердиев) бошлиқларига, Навоий ШТБ (Ибрагимов) бош муҳандисига ва тегишли туман телекоммуникациялар боғламалари бош муҳандисларига, Андижон Радио телевидение узатиш маркази раҳбари (Холматов) ва бош муҳандиси (Абдуллоев)га нисбатан интизомий чоралар кўриш юзасидан «Ўзбектелеком» АК ҳамда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази раҳбариятига тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, селектор йиғилиши қарори билан телекоммуникация тармоғи сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва талаб даражасига келтириш юзасидан ҳам юқорида қайд этилган корхонага тегишли кўрсатмалар берилди ва уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Ҳайрулла ДАДАЕВ,
Агентликнинг ҳўдудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

Ҳўдудий радиоалоқа конференциясига тайёргарлик

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Ўзбекистон Республикаси Радиоағзалар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 12та вазирлик ва идоралардан комиссия аъзолари иштирок этишди.

Йиғилишда жорий йилнинг май-июн ойларида Женева шаҳрида бўлиб ўтадиган рақамли эшиттиришлар режасини тузиш бўйича Ҳўдудий радиоалоқа конференцияси (ХРК-06)нинг 2-сессияси ишига Ўзбекистон Алоқа маъмуриятининг тайёргарлик кўриши ва унда иштирок этиши масаласи муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон Алоқа маъмуриятининг Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ)га рақамли эшиттиришга частота ажратишлар учун юборган 817-буортмаси ХЭИнинг Рақамли эшиттириш режаси лойиҳасида инобатга олинганлиги ҳамда бўлиб ўтадиган ХРК-06да тасдиқланиши таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда республикада кўчма уяли алоқани ривожлантириш учун фойдаланиладиган радиочастота поласаларини босқичма-босқич бўшатиш режасининг бажарилиши ҳақидеги маълумот ҳам тингланди. Радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий ҳўжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди ва маъқуланди. Шу билан бирга, радиочастота спектридан оқилона ва самарали фойдаланиш, маълумотлар узатиш тармоқларининг янги технологияларини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир республика ҳўдудидеги кичик радюсуда ишлайдиган радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳўдудига олиб кириладиган радиоэлектрон воситалар учун радиочастоталар поласаларини ажратиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Комиссия Йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Танловга қўйилган Тошкент шаҳрида, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида теле ва радио частоталарга тушган буюртманомалар кўриб чиқилди. Комиссия қарори натижасида «Қарши телевидениеси» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси (Қарши шаҳри), «Истиклол-ТВ» масъулияти чекланган жамияти (Бухоро шаҳри), «Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи» масъулияти чекланган жамияти (Тошкент шаҳри), «Шарк телевидениеси» ёпиқ акциядорлик жамияти (Наманган шаҳри), «Ишон» телерадиокомпанияси (Сурхондарё вилояти), «Rubicon Radio Systems» масъулияти чекланган жамияти (Тошкент шаҳри), «Эдельвейс Али» хусусий фирмаси (Тошкент шаҳри), «Aziz yurtin» масъулияти чекланган жамияти (Анджон шаҳри), «Roypaxt Infomedia» масъулияти чекланган жамияти (Тошкент шаҳри), «Samta Promotion» шўъба корхонаси (Тошкент шаҳри) қўлиб деб топилди.

Шу билан биргаликда комиссия томонидан телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланидиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча канал очиш ва қармов ҳудудини кенгайтириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

КО'RIK-TANLOV

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши республика алоқа корхона-ташкilotлари ҳамда соҳа ўқув юртларининг бошланғич касаба уюшмалари кўмиталари ўртасида кўрик-танлов ўтказишга қарор қилган эди. Унга биноан, ҳар йили ўтказилиши мўлжалланган танлов икки босқичда — вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика миқёсида бўлиб ўтиши белгиланган. Уни ўтказишдан асосий мақсад — янгича иқтисодий муносабатлар шариотида бошланғич касаба уюшмалари ҳаракатини янада мустақамлаш, ишчи-ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва қизиқишларини ҳимоя қилишни кучайтириш, касаба уюшмалари фаолларининг ижодий қобилиятларини юзага чиқаришди.

Алоқачилар ижодкорлар ҳамдир



Танловнинг Тошкент шаҳри босқичида 12та корхона ва ташкilot, ўқув юртлари касаба уюшмалари кўмиталари қатнашди. Жамоалар беллашувини Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси ўринбосари Шоиста Қосимова бошчилигидаги ҳакамлар жайъати — Абдуғаппор Акбердиев, Садриддин Сайфуллаев, Шаҳноза Толипова, Абдувоҳид Аҳмедовлар баҳолаб боришди.

Танлов кунига қадар касаба уюшмалари кўмиталари фаолиятининг йил якунла-

рига бағишланган хисоботлари танлов ташкилий кўмитасига тақдим этилган бўлиб, улар белгиланган қатъий мезонлар асосида баҳоланган. Энди жамоалар танловнинг қолган шартлари бўйича мусобақалашилари лозим эди.

Дастлаб жамоалар спортнинг эстафета турлари бўйича беллашдилар. Бунда ҳар бир жамоа аъзоси беллашув шартларини аниқ баҳаришга ҳаракат қилди.

Касаба уюшмаси фаоллари қонун ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиш-

лари жуда зарур. Чунки кўпинча ходимларнинг қонуний маффаатларини айнан улар ҳимоя қилишларига тўғри келади. Шу боис танлов иштирокчиларининг ҳуқуқий билимлари ҳам синовдан ўтказилди. Улар Меҳнат кодекси, Конституция, меҳнат шартномалари, ходимларга бериладиган имтиёзлар, қисқартирилган иш вақти тўғрисида берилган саволларга жавоб беришди.

Кейинги шартга кўра жамоалар ўзларининг ижодий қобилиятларини синаб кўришди. Одатда алоқачиларни техника ходимлари, деб ҳисоблашди. Аммо танлов давомида улар шеърни ифодали ўқиб, миллий ва замонавий куйларга рақс тушиш, кўшиқ

қуйлаш, сахна кўринишларини намойиш этишда ҳам ўз ижодкорлик қобилиятларини кўрсатишди. Бу борада, айниқса, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тошкент почтамати» филиали ҳамда Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи, «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали жамоалари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Ниҳоят қутилган дамлар келди. Ҳакамлар жайъати голиблар номини эълон қилди. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тошкент почтамати» филиали касаба уюшмаси кўмитаси жамоаси (Н.Орифжонов, Д.Нуралиев, Е.Енизеркина) биринчи ўринни кўлга киритиб, республика босқичида иштирок этадиган бўлди. Иккинчи ўринни Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси (К.Эгамбердиев, Ш.Синдоров, Н.Сайдуллаева), учинчи ўринни Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи жамоаси (У.Мамажонов, Ф.Қодиров, А.Шошуродов) эгаллашди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов голибларга ва танловнинг ҳар бир иштирокчисига маҳсус ҳамда эсдалик совгалари тоғширди.

Йилнинг энг яхши бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси» кўрик-танловининг республика босқичи жорий йилнинг апрел ойида бўлиб ўтади.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
aaxabar@mail.uz

НОМИЯЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

Тошкент ахборот технологиялари университети мажлислар залида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Хотин-қизлар кўмитасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Манзура Тўйчиева, республика «Она ва бола скрининги» маркази шифокор-генетики Муҳаммадҷон Босимов, ТАТУ қошидаги Сихат-саломатлик клуби раҳбари, халқ табиби, академик Муҳаммадҷон Орифжонов ҳамда университет Хотин-қизлар кенгаши аъзолари ва талабалари иштирок этди. Йиғилишни университет ректорининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича проректори Неъматулла Мўминов олиб борди.

Авалло шу:ни таъкидлаш жоизки, шифокорлар билан бўладиган бундай учрашув-мулоқот университетда ҳар ойда ўтказилиб келинмоқда. Бу галги учрашув «Соғлом ҳаёт тарзи», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари» ва «Туғма наслий касалликлар» мавзуларига бағишланди. Мазкур йиғилишда ҳам талабалар шифокорлар билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдилар. Дастлаб республика «Она ва бола скрининги» маркази шифокори М.Босимов талабаларга марказ ҳақида, унинг бугунги фаолияти тўғрисида маълумот бергач, инсонлардаги ирсий касалликлар хусусида сўз юритиб, унинг асосий сабаби — яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ эканлиги масаласига тўхтади. «Қариндошлар орасидаги никоҳнинг зарарлари ҳақида гап кетганда, баъзилар фарзандлари соғлом туғилган шундай никоҳдаги оилаларни мисол келтиради, — деди шифокор. — Аммо бундай бир-икки мисол билан илмий ҳақиқатни инкор қилиб бўлмайди. Баъзан ирсий касалликлар қачалоқ дунёга келган чоғи сезилмаслиги, фақат вақтлар ўтиб намоён бўлиши ёки қачалоқ жисмонан соғлом

дейди республика Хотин-қизлар кўмитасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Манзура Тўйчиева. — Негаки, ёшлар бизнинг келажакимиз. Бугунги ёшлар эртага ота ҳамда она бўлишади. Уларга ҳозирдан саломатлик — бебаҳо неъмат эканлигини, шахсий гиёена, никоҳнинг муқаддаслиги, эр-хотинлик, қайнона-келиндик муносабатлари ҳақида тўғри тушунириш бера олсак, келгусида улар шундай муаммоларга дуч келишмайди, дуч келганда ҳам буни ақл билан енгиб ўта оладилар. Шу боис бундай тadbирларни нафақат ТАТУда, балки мажбуриятимизнинг

дейди республика Хотин-қизлар кўмитасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Манзура Тўйчиева. — Негаки, ёшлар бизнинг келажакимиз. Бугунги ёшлар эртага ота ҳамда она бўлишади. Уларга ҳозирдан саломатлик — бебаҳо неъмат эканлигини, шахсий гиёена, никоҳнинг муқаддаслиги, эр-хотинлик, қайнона-келиндик муносабатлари ҳақида тўғри тушунириш бера олсак, келгусида улар шундай муаммоларга дуч келишмайди, дуч келганда ҳам буни ақл билан енгиб ўта оладилар. Шу боис бундай тadbирларни нафақат ТАТУда, балки мажбуриятимизнинг

дейди республика Хотин-қизлар кўмитасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Манзура Тўйчиева. — Негаки, ёшлар бизнинг келажакимиз. Бугунги ёшлар эртага ота ҳамда она бўлишади. Уларга ҳозирдан саломатлик — бебаҳо неъмат эканлигини, шахсий гиёена, никоҳнинг муқаддаслиги, эр-хотинлик, қайнона-келиндик муносабатлари ҳақида тўғри тушунириш бера олсак, келгусида улар шундай муаммоларга дуч келишмайди, дуч келганда ҳам буни ақл билан енгиб ўта оладилар. Шу боис бундай тadbирларни нафақат ТАТУда, балки мажбуриятимизнинг

Унинг саломатликни сақлаш учун киши аввало тўғри овқатланишга амал қилиши, танани ортиқча вазндан сақлаши, бунда кўпроқ кўкатлар, мева ва сабзавотлар истеъмол этиши кераклиги ҳақидаги қимматли маслаҳатлари кўпчиликка манзур бўлди.

Шифокорлар Шифокорлар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Шунингдек, йиғилишда гиёевандлик, ичкиликбозлик каби иллатлар, уларнинг нафақат инсоннинг ўзига, балки бутун жамиятга келтирадиган офати борасида ҳам сўз юритилди. Айниқса, бу иллатларга ружу қўйган инсонлар тақдирини, улар дунёга кел-

Саломатлигимиз ўз қўлимизда

Фақат бунинг учун сал эътиборлироқ бўлайлик

бўлган тақдирда ҳам ақлий жиҳатдан нуқсонли туғилиши мумкин».

Дарҳақиқат, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан аксарият ҳолларда туғма ногирон ёки касалликка мойил чақалоқлар туғилиши илмий жиҳатдан тасдиқланган ва бу ҳақда одамлар орасида кенг тушунириш ишлари олиб борилишига қарамай, бундай никоҳларга ҳамон чек қўйилмапти. Ёшлар ўртасида тушунириш ишларини кучайтириш, тарғибот-ташвиқотни улдуксиз ўтказиб туриш орқалигина бу борада ижобий натижага эришиш мумкин.

— Аҳолини, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга давлатимиз миқёсида эътибор кучайиб бораётган бугунги кунда ёшлар билан бундай учрашувлар ўтказиш катта аҳамиятга эга, —

барча таълим даргоҳларида, кишлоқлару маҳаллаларида, ҳарбий қисмларда ҳам ўтказишни мақсад қилганмиз.

Саломатлик клуби раҳбари М.Орифжонов эса касалликни дavoлашдан кўра унинг олдини олиш осонлиги тўғрисида гапир-

Сўнгсўз ўрнида: Университетда ўтказилган мазкур тadbир ҳақиқатан ҳам бугуннинг ўта долзарб масаласига қаратилган. Лекин... лекин, таассуфки, бунга барча талабалар ҳам жиддий қарашмади. Бу — йиғилиш давомида шифокорлар томонидан қимматли (айтиш жоиз бўлса, текинга) маслаҳатлар, йўл-йўриқлар билдирилаётган вақтда айрим ёшларнинг сабабсиз қулишларида, қарсақ чалишларию бетоқатланишларида сезилиб қолди. Тўғриси, нега эканлигини тушунмадим. Ахир, керакли фикрлар айтиляпти-ку. Ниҳоят, ушбу мақол ҳаёлимга келди: «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли...».

Бу — муҳокама қилишга арзигулик оғрик,

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ yuxabar@mail.uz

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...




Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

УКРАИНА: КУЧЛАР БИРЛАШАДИМИ?

Украинада бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини аниқлаш жараёни якунланмоқда.



Овозларни ҳисоб-китоб қилишнинг дастлабки натижаларига кўра, 2004 йили президентлик сайловида Виктор Юшченконинг асосий рақиби бўлган Виктор Януковичнинг "Регионлар партияси" аксарият овозларни тўплашга муваффақ бўлган. Яъни, участка сайлов комиссияларининг 93,83 фоиз протоколлари қайта ишланганда, В.Янукович партияси 31,43 фоиз овоз билан рўйхатнинг биринчи ўриндан жой олган. "Регионлар партияси"дан сўнг — ўтган йили бош вазирликдан четлатилган Юлия Тимошенконинг сайлов блоки турибди. Ушбу блокка украинликларнинг 22,41 фоизи овоз берган. Президент Виктор



Юшченконинг "Бизнинг Украина" партияси эса 17 фоиздан ошди. Ҳокимият билан ўринни эгаллаган. Шунингдек, сайловда Украина социалистик партияси — 5,85 фоиз, Коммунистик партия — 3, 63 фоиз овозга эга бўлган. Мазкур партияларнинг барчаси сайловчиларнинг уч фоиздан ортиқ овозини олгани учун ҳам Украина Олий Рададаги ўринларга даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга.

Айни дамда Олий Радада кўпроқ ўринни эгаллаш мақсадида президент Виктор Юшченконинг "Бизнинг Украина" партияси ҳамда собиқ бош вазир Юлия Тимошенко блоки коалицион ҳукумат тузиш масаласида музокараларга тайёрланяпти.

ФРАНЦИЯ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ИСКАНЖАСИДА

Францияда иш берувчи билан ишчи муносабатларини мувофиқлаштирувчи янги қонунга қарши ёшлар намоиши давом этмоқда.

Бош вазир Доминик де Вилпен янги қонун лойиҳасига тиш-тирноғи билан қарши бўлаётган касабани уюшмалари вакиллари билан учрашмоқчи. Ҳукумат раҳбари касабани уюшмалари талабини бажармоқчи эмаслигини, аммо уларни тинглаб, қонунга ўзгартириш қиритиши мумкинлигини билдирди.

Айтиш мумкинки, узлуксиз давом этиб келаётган намоишлардан кўпчилик чарчаган. Шу сабабли Парижда минглаб одам намоишларга қарши норозилик акцияларини ўтказишмоқда. Шаҳар мэриги биноси олдида йиғилган намоишчилар "Таълимга озодлик" шиори остида ҳукуматдан бир неча кундан буён тўхтовсиз давом этиб келаётган тартибсизликларга чек қўйишни талаб қилишмоқда.



МАҲБУСЛАР ИСЁНИ

Хабарларга кўра, Грузиянинг Тбилиси шаҳридаги қамоқхона маҳбуслари тартибсизликлар уюштириб, оммавий қочиларни режалаштиришган. Натижада маҳбуслар ва полиция ўртасида жиддий тўқнашув содир бўлган.

Полиция тартибсизликларни қурол билан бостиришга мажбур бўлган. Оқибатда олти нафар маҳбус отиб ўлдирилган. Грузия адлия вазири Гия Кавтарадзенинг таъкидлашича, ушбу қўзғолон аввалдан режалаштирилган бўлиб, мамлакатнинг барча қамоқхоналарида исён кўтариш кўзда тутилган.




АМЕРИКАДА АВТОҲАЛОКАТ

АҚШ маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, Вайоминг штатидаги қишлоқ йўлларида бирида фалокат содир бўлган.



Йигирматадан ортиқ автомашинанинг тўқнашувидан келиб чиққан ушбу фалокат етти кишининг умрига зомин бўлган. Йўл полициячилари воқеа содир бўлишидан бир неча дақиқа олдин мазкур йўлга қуюқ туман тушгани ва хавфли ҳолат юзага келганини таъкидлашмоқда.

ЖАНГАРИЛАР ҲУЖУМИ




Канада Миллий мудофаа департаменти берган баёнотта кўра, Афғонистоннинг Гилменд музофотида жангарилар уюштирган ҳужум натижасида бир канадалик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, уч нафари жароҳатланган.

Хабарларга кўра, Қандаҳордан 110 километр узоқликда уюштирилган ушбу ҳужумда, шунингдек, НАТО контингентининг яна бир ҳарбийси ҳам ҳалок бўлган. Унинг АҚШ фуқароси эканлиги айтилмоқда.

МАҲФИЙ ҚАМОҚХОНА АНИҚЛАНДИ

"Интерфакс" ахборот агентлигининг хабар беришича, Америка ҳарбийлари Бағдод марказида ўн саккиз киши сақланаётган маҳфий қамоқхона аниқладилар.



Айтилишича, маҳфий қамоқхоналарни Ироқ ички ишлар вазирлигининг юқори мартабали ходимлари назорат қилиб келишган. Шу боис АҚШ ҳарбийлари ноқонуний қамоқхона билан алоқадорликда гумон қилинган қирқ нафарга яқин ироқлик полициячини ҳибсга олган. Маҳбусларнинг гувоҳлик беришларида, уларни маҳаллий полиция ходимлари қутилмаган пайтда — уйда ёки кўчада қамоққа олиб, ҳеч бир айбловсиз узоқ муддат сақлаб туришган ҳамда турли қийноқларга солишган. Ироқ ҳукумати ҳам ушбу иш юзасидан кенг қўламадаги текширувни бошлаб юборган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг ноябр ойида ҳам америкаликлар худди шундай қамоқхона фаолиятига чек қўйган эдилар. Ушанда бедрак йўқолган 178 нафар ироқлик озодликка чиқарилганди.

КАШАНДАЛАР НЕ ДЕЙДИ?

Шотландияда жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқловчи қонун кучга кирди.

Мамлакатдаги кашандалар ушбу қонуннинг кучга киришини инсон ҳуқуқларининг чекланиши дея изоҳлашяпти. Уларнинг фикрича, бу қонун кўплаб иш жойларининг қисқаришига олиб келиши мумкин. Англия ва Шимолий Ирландияда ҳам чекишни тақиқловчи қонунлар устидан иш олиб борилмоқда. Хусусан, Англияда бундай тақиқлов 2007 йилнинг ёзида кучга кириши режалаштирилган.

"Жамоат жойларида чекишнинг тақиқланиши келажак авлод саломатлигини яхшилаш йўлидаги муҳим қадамдир", — таъкидлади Шотландия бош вазири Жек Макконелл.

Энди ушбу қонунни бузганларга 90 долларга яқин жарима солинади.



TADBIR

ТЕЛЕМУЛОҚОТ
ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида «Ўзбектелеком» АКнинг «UzNet» ва «Андижон Телеком» филиаллари ёрдамида клиниканинг профессор-ўқитувчилари Россия Федерациясининг етакчи тиббий марказлари олимлари ва мутахассислари билан телемулоқот ўтказилди. Уни тайёрлаш жараёнида Андижон шаҳридаги 37-АТСдан клиника биносигача қисқа муддатларда махсус кабел ётказилди.

Андижон давлат тиббиёт институти ректори, профессор Мамазоир Хўжамбердиев ҳамда тиббиёт фанлари номзоди, институтнинг «Госпитал ва факультатив жаррохлик» кафедраси доценти, Телемедицина маркази бошлиғи Камолитдин Салоҳиддиновларнинг саъй-ҳаракатлари билан телемулоқотда институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, А.Бакулев номидаги Москва юрактомир хирургияси маркази, Бурденко номидаги неврохирургия илмий маркази, Волгоград тиббиёт университети вакиллари қатнашдилар. Шунингдек, тadbирда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, «Андижон Телеком» филиали раҳбарлари, марказий ва вилоят телевидениелари, матбуот ходимлари ҳам ҳозир бўдилар.

Телемулоқотда малакали кадрлар тайёрлаш, айрим оғир беморларга биргаликда врачлик консилиуми ўтказиш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Европа давлатлари миқёсида ходимларни масофадан туриб ўқитиш, тиббиётнинг долзарб мавзуларида телеконференциялар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Россиянинг етакчи тиббий марказлари раҳбарлари ташкил этилган телемулоқот учун андижонликларга миннатдорчилик билдирилди ва тиббиётда эришган ютуқлари билан табрикландилар.

Хуллас, бундай тadbир республикамизда илк бор ўтказилган эътиборга лойиқдир. Тиббиёт олимлари ва мутахассислари томонидан жузурфий масофаларни енгиб, кўпчиликни қийнаётган муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш учун дастлабки қадам ташланди.

Уйлаймики, бу каби мулоқотлар халқимиз соғлигини сақлаш борасидаги муаммоларни ҳал қилишда тиббиёт ходимларига фақат фойда келтиради. Келгусида ҳам шундай телемулоқотлар ўтказиш режалаштирилган.

Раҳмонжон УЗОҚОВ
Андижон вилояти

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Фарғона филиали жамоаси ўз фаолиятини замон талаблари даражасида олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Филиалнинг Фарғона ишлаб чиқариш участкаси амалиётлар залида хат-хабарлар, жўнатма ва телеграммаларни қабул қилиш, эгаларига етказиш, вақтли матбуот нашрларига обуна уюштириш, пенсия тўлови каби қатор хизматлар кўрсатилади. Шунингдек, алоқачилар табиий газ, электр қуввати, телефон хизмати бўйича тўловларни йиғиш билан шугулланишяпти. Бу борада ташкилотлар билан шартномалар тузилиб, ҳамкорлик қилинмоқда. Бу ерда мижозлар учун курерлик, нусха кўчириш, Интернет хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

Давр билан ҳамқадам



— Электрон пул жўнатмалари хизматини жорий этганимизга уч ой бўлди. — дейди пул жўнатмалари бўлими бошлиғи Мадина Нурияхмедова. — Январ ойда 43та пул жўнатмалари амалга оширилди, 36та пул жўнатмаларини қабул қилдик ва эгаларига топширдик. Феврал ойда бу хизмат туридан фойдаланганлар сони янада ортди.

Ҳа, соҳада хизматлар сони ошиб бориши кўтиляпти. Шунга мос равишда амалиётлар зали ҳам ўзгача кўрк касб этмоқда. Кабиналарда ходим учун барча қулайликлар яратилган. Энди ходим хизмат кўрсатиш билан боғлиқ буюмларни — хатжид, ойнахат ва бошқа нарсаларни ташиб юрмайди. Янгилик нафақат қулайлик яратади, балки почтачиларнинг ишга бўлган масъулиятини ҳам оширади.

Ш.ҚОРАБОВ

НАМКASBLARIMIZ

Учтепалик почтачилар фахри

У тонг отишини интиқиб кутади. Куёш ҳали заррин нурларини борлиққа ёйишга улгурмай туриб, рафиқаси Машқура опанинг: «Ҳай, дадаси, бир пиёла чой ичиб кетмайсизми?» — дейишига ҳам қарамай, уша ўзи учун қадрдон ва азиз бўлиб қолган ишхонаси — 151-алоқа бўлимига ошиққади.

Сўнг кеча кечкурун олинган хат-хабарлар ҳамда турли-туман нашрларни саралаб, эгаларига етказишга отланади. Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида эса нафақадаги отахонлару онахонлар ундан ўз пенсия пулларини олишади. Шунда қарияларимиз дугага қўл очиб: «Умрингдан баракка топ, болом. Ҳаётинг бундан-да мазмунли, мартабанг баланд бўлсин!» дея унга эзгу тилаклар билдиришади. «Яқши сўз — жон озиги» деб бежиз айтишмаганидек, шу икки оғиз ширин сўз унга далда бериб, кайфиятини кўтарди.

Ҳа, лавҳамиз қахрамони, оддий почтачи Қосимжон Обидов, гарчи олий маълумотли мутахассис бўлса-да, баъзиларга ўхшаб юқори лавозим ва мансаб эгаси бўлишга интилмади. Тўғри,

маълум муддат ўз мутахассислиги бўйича давлат идораларида ҳам ишлаб кўрди. Аммо болалигидан отасига қарашиб юрган эмасми (рахматли Аҳмаджон ака ҳам, охиратлари обод бўлсин, почтачи бўлган), ота касбга бўлган қизиқиши ортиб, оқир-оқибат почтачи бўлишга қарор қилди. Даставвал тажрибали почтачи Аманбека опа Ивановага шогирд тушиб, ундан алоқа бўлимига келган газетажурналлар ва хат-хабарларни тезкорлик билан саралаб, уларни ўз эгаларига вақтида етказишни, обуначиларга доимо хушмуомала бўлишни ўрганди. Тажрибаси ва маҳорати ортақ, ўзи ҳам шогирдлар тайёрлай бошлади. Эндликда унга бириктирилган участка аҳли унинг хизматидан мамнун.

TATU FILIALLARIDA

Ёш дастурчилар — келажагимиз пойдевори

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда ахборот технологиялари соҳасида сезиларли силжишлар кўзга ташланмоқда. Бу борада ахборот технологияларини ривожлантириш масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам янада улкан аҳамият касб этаётир. Президент қарорининг бажарилиши — даставвал вилоятларда Тошкент ахборот технологиялари университети филиалларининг очилиши ва улар фаолиятида ёрқин кўринади.

Биз бу ўринда ТАТУ Урганч филиалида яқинда ўтказилган танловга тўхталмоқчимиз. Филиал ташаббуси билан «Информатика ва ахборот технологиялари» бўйича ўтказилган ушбу танловда мактаблар, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг фаол ўқувчилари иштирок этдилар. Танловнинг амалий bosқичи 23 март кун «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!» шиори остида ўтказилди. Бу танловни ўтказишдан куйидаги учта мақсад кўзда тутилган:

1. ЭХМда амалий дастурлаш бўйича энг иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва келажақда уларни ТАТУ талабаси бўлишга тайёрлаш.

2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида дастурчиларнинг ўрни ва ролини ошириш.

3. Дастурий таъминот — Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг муҳим омили эканлигини исботлаш.

Танлов юқори савияда ўтди. Натижаларга кўра, Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Жамол Ортиқов — биринчи ўринни, Богот туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Руслан Абдуллаев — иккинчи, Қўшқўпир туманидаги 4-ихтисослаштирилган лицейнинг 10-синф ўқувчиси Азизбек Ғуломов — учинчи, Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Икром Тожибоев — тўртинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар, фаол иштирокчилар эса «Фахрий ёрлик»лар билан тақдирландилар.

Танловни ўтказишда ТАТУ Урганч филиали «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси мудири, доцент Ф.Юсупов ва «Иқтидорли талабалар билан ишлаш» бўлими бошлиғи Ш.Исmoilовлар бош-қош бўлишди. Танлов якунида филиал директори, профессор А.Юсупов, вилоят касб-хунар бошқармаси бошлиғи Ш.Авазовлар сўзга чиқиб, ёш дастурчилар ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Шундан кейин танлов мутасаддилари ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш, улар сафига янги-янги истеъодларни чорлаш ҳақида фикр алмашдилар.

Гулноз ХОЛЛИЕВА,
ТАТУ Урганч филиалининг
«Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар»
кафедраси мудири

улашишга ва яхшилик қилишга интилиб яшайди. Шу боисдан, турмуш ўртоғи, олий маълумотли педагог Машқура опа ҳам унинг ушбу инсоний фазилатларини қадрлаб, ҳурматини жойига қўяди. Бир-бирларини жуда ҳурмат қилишади. Фарзандларини ҳам доимо аҳил ва иноқ бўлишга, ҳаётда ўз ўринларини топишга даъват қилишади. Улар эндликда 3 нафар неваранинг меҳрибон буважониси ва бувижониси. Катта қизлари Гулчеҳра — уй бекаси, фарзандлар тарбияси билан шугулланипти. Уғли Дилшод — тadbиркор. Камола билан Саодатхонлар эса уста тикувчи. Улар ҳам ўз касбларини ардоқлаб келишмоқда.

— Тўрт юзга яқин пенсионерга ва 40тача обуначига хизмат кўрсатаман, — дейди Қосимжон ака. — Уларнинг дилини хушнуд қилиб келаётганимдан мамнунам.

Ҳа, ўз касбига гард юктирдан, уни ардоқлаб келаётган оддий почтачи Қосимжон ака Обидов ҳақ гапни айтиди. Чиндан ҳам ўз хизмати билан одамларга қувонч бахшида этаётган Қосимжон ака каби инсонлар учун эл эъзозидан ва ҳурматида бўлишдан ҳам ортиқ бахт йўқдир, чамамда.

Исмоил ЗОИРОВ
Тошкент шаҳри

Новости в сфере ИКТ

Китайская Huawei Technologies подписала контракт с АК «Узбектелеком» на поставку оборудования системы передач со спектральным разделением каналов DWDM стоимостью 2,7 млн. долл., сообщили в пресс-службе АК «Узбектелеком».



Оптическая транспортная сеть DWDM для «ТТС»

Оборудование будет установлено на базе сети филиала «Ташкентская городская телефонная сеть». Срок реализации проекта составляет 6 месяцев. Финансирование проекта осуществляется за счет собственных средств АК «Узбектелеком». Поставляе-

мое оборудование обеспечит весь спектр интерфейсов услуг от 16 Мбит/с до 10 Гбит/с, с поддержкой всех протоколов, включая STM-1/4/16/64, OS-3/12/48/192, Fast Ethernet, Gigabit Ethernet, 10GE LAN, ATM, ESCON, FICON, Fiber Channel и пере-

дачи видео. Реализация проекта и позволит предоставлять мультисервисные услуги органам управления, организациям, населению, ведомственным и корпоративным сетям, провайдерам.

«Впервые в Центральной Азии на городской телефонной сети оптическая транспортная сеть создается полностью с использованием технологии DWDM/CWDM, которая обладает большой емкостью передачи и возможностью гибкого наращивания различных сервисов, включая предоставление оптических каналов в аренду», подчеркивает пресс-служба АК «Узбектелеком».

В настоящий момент установленная емкость АТС Ташкента составляет 561 тыс. номеров, при этом уровень цифровизации составляет 66 проц. и до конца 2006 года ожидается на уровне 90 процентов.

Информационные технологии для ВУЗов

В Ташкентском автомобильно-дорожном институте совместно с Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан проведен семинар, посвященный проблемам и перспективам внедрения в высшие учебные заведения информационно-коммуникационных технологий. В нем приняли участие руководители высших и средних специальных учебных заведений страны, профессора-педагоги, студенты.

В ходе семинара было отмечено, что в Национальной программе по подготовке кадров, последовательно реализуемой в стране под руководством Президента Ислама Каримова, особое внимание уделяется обеспечению образовательной системы компьютерными и информационными технологиями.

В действующих в стране более шестидесяти вузах сегодня обучаются свыше двухсот семидесяти тысяч студентов. В настоящее время в процессе высшего образования все более широко используются современные информационные системы, электронные учебники и мультимедийные учебные материалы.

Принятое по инициативе руководителя страны 29 сентября 2005 года Постановление «О создании общественной образовательной информационной сети Республики Узбекистан» служит важным фактором для поднятия работы в этом направлении на новый уровень. В соответствии с данным документом, Министерство

высшего и среднего специального образования развивает корпоративную сеть, объединяющую все высшие учебные заведения страны в единую информационную систему. Ведутся широкомасштабные работы, направленные на формирование национальных информационных ресурсов для молодежи, обеспечение эффективного использования информации, служащей духовно-нравственному совершенствованию студентов. В образовательный процесс все больше внедряется дистанционный метод обучения.

На семинаре было подчеркнуто, что в Ташкентском автомобильно-дорожном институте накоплен положительный опыт в этом направлении. В частности, создана локальная сеть, в которую соединены все факультеты и кафедры института. А электронная библиотека, которая постоянно пополняется базой данных, дает возможность студентам и преподавателям ознакомиться с необходимой литературой, новыми учебными пособиями, текстами докладов.

На семинаре были заслушаны доклады по таким темам, как опыт информатизации педагогического образования, проблемы и перспективная программа, практическое применение компьютеризированной системы дистанционных курсов, управление и анализ учебного процесса в информационно-образовательной сети «ZiyoNet».

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

Билл Гейтс: Мобильники станут цифровыми бумажниками

Бизнинг ширимиз — хунарнинг барча сирларини ўргатиш. Доимо шоғирдларимизга ҳар бир хунарни мукамал ўргатишга, дарсларни соддалаштирилган, тушунарли ҳолда амалиётга боғлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Улар билан ўзаро муносабатларимиз ҳам дўстона тарзда бўлади. Пировардида битирувчиларимиз биздан мамнун бўлганидан ташаккур билдириб кетишади. Шунинг ўзи — меҳнатимизга берилган энг катта баҳодир.

Лутфилло ТУРСУНОВ
суҳбатлашди

"Дилором" ўқув марказида ундан ортқ курслар мавжуд.
Манзил: Тошкент шаҳри, Гафур Гулом кўчаси, 30-уй.
Мўлжал: Гафур Гулом метро бекати. Тел: 144-11-00, 144-03-25.

JAHON POCHTASI



ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС КАДИМИЙ ПОЧТА ТАШКИЛОТИ

Дунёдаги энг қадимий почта хизмати Хитойда шаклланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки бу мамлакат (Кин сулоласи)нинг почта тизими ҳақидаги маълумотлар эраимиздан аввалги 221 йилги манбаларда учрайди. Бироқ почта бундан олдин Цоу сулоласи даврида ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида Конфуцийнинг қўйидаги сўзлари шохидлик беради: "Янгиликлар хатлардан тезроқ өтиб бормоқда". Гап шундаки, ўша пайтларда отлар воситасида курерлик хизмати кўрсатишдан ташқари махсус минораларда гулханлар ёқиш орқали хабар етказилган. Император Жижин ҳукмронлиги даврида ташкил этилган Фуқаролик почта бюроси эса ҳозир ҳам мавжуд.

Бугунги Хитойдаги почта хизмати — қадимий курерлик хизматининг асрлар оша ривожланиш натижасида юзага келган замонавий кўринишидир. 1949 йили Хитой Халқ Республикаси почта ва телекоммуникациялар вазирлиги ҳамда давлат почта бюроси шаклланиши билан бу мамлакатда почта тизимининг янги даври бошланди. Аммо бу собиқ совет почтасидан шундоққина кўчирилган «нусха» эди. Бироқ 1993 йилдан эътиборан Хитойда самарадорлик ва даромадтирликка асосий эътибор қаратилган ҳолда, миллий почта ўзига хос тарзда ривожлантирила бошланди. Бу — миқозлар билан муносабатлар, почта ташқиш тизимини ташкиллаштириш ва технологик ўзгартиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

1998 йили телекоммуникациялар хизмати алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқishi билан Хитой почтаси мустақил ташкилотга айланди. Аммо телекоммуникация соҳаси тизимининг бирмунча даромадлироқ йўналиши бўлгани боис бу «мустақиллик» қимматга тушди — ўша йили Хитой почтаси 16,9 миллиард юан (2 миллиард доллар) зарар билан якулади. Мамлакат Молия вазирлиги кейинги тўрт йил мобайнида Хитой почтасини 17 милли-

ард юан (2,1 миллиард доллар) маблағ билан таъминлаш кўзда тутилган махсус дастур қабул қилишга мажбур бўлди.

2003 йили компаниянинг зарари 4,5 миллиард юан (544 миллион доллар)ни ташкил этди. Почта амалиётларидан эса 55,1 миллиард юан даромад олинди. Буларнинг 36 фоизи жамғармалар (омонат, пенсия, пул ўтказмалари)дан, 14 фоизи филателиядан, 10 фоизи эса курерлик ва тезроқ элтиб бериш хизмати кўрсатиш орқали қўлга киритилди.

Хитой почтаси тўлиқ давлат назоратидаги акциядорлик компанияси сифатида фаолият юритмоқда. 2003 йили мамлакатдаги почта бўлимлари сони 70 мингга бўлиб, уларда 700 мингдан зиёд ходим ишларди. Бироқ раҳбарият уларнинг сонини қисқартириш ниятида, чунки замонавий почта тамойилларига кўра ходимлар сони хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонига мутаносиб эмас, яъни кўп экан.

Мамлакат почтаси ихтиёрида 39 мингга автомобил, 455та вагон, 10та парорход ва 9та самолёт бор. Почтага ишлов берувчи 201та марказда 116та саралаш машинаси, жўнатмаларга ишлов берадиган 143та ускуна мавжуд.

Хитой почтаси асосан тўрт йўналишда — почтани элтиб бериш, даврий нашрларни тарқатиш, логистика ва филателия хизматлари, шунингдек, почта омонат жамғармалари ва пул жўнатмалари хизматлари кўрсатади.

Курерлик ва экспресс-элит бериш соҳасида "Federal Express", "United Parcel Service" ва "DHL" сингари халқаро миқёсдаги операторлар билан рақобат мавжудлигига қарама-қарсидан, Хитой почтаси мамлакат почта бозорида етакчи монопол компания ҳисобланади.

нинг бош идораси Пекинда бўлиб, у 100 минг квадрат метр майдонда жойлашган.

Ҳозир Хитой почтаси таркибиде бир-биридан мустақил иш юритувчи Ахборот технологиялари, маркалар чиқарувчи, электрон кўринишдаги хабарларни жўнатиш хизмати кўрсатувчи (EMS) ташкилотлар, транспорт компанияси ва почта авиакомпанияси мавжуд. Бундан ташқари, бир талай санатория-дам олиш масканлари ва меҳмонхоналарга эгалик қилувчи Хитой почтаси мамлакатга таширф буюрадиган жуда кўп қўлаб сайёҳлар орқали ҳам анчагина даромад олишга эришмоқда.

Бугунги кунда мамлакатнинг барча аҳоли масканларида почта алоқаси бўлимлари бор. Хитой почтаси жуда аниқ ишлайди: шаҳарлар ичидаги хатлар ўша кунлик, катта шаҳарлар орасидаги хатлар эса эртаси кунга тегишли манзилга етказиб берилади. Авиапочта орқали юборилган халқаро жўнатмалар эса 5-7 кунда манзилга етиб боради.

Аънавий хизматларни ривожлантириш ва таксимлаштириш билан бирга, янги хизмат турларини йўлга қўйиш борасида ҳам мунтазам изланишлар олиб боришмоқда. Электрон почта хизматини янада ривожлантириш ҳам — хитойлик почтачилар олдида турган ана шундай муҳим вазифалардан саналади. Хитой почтасининг махсус веб-сайти очилгач, у жуда оммалашиб кетди. Ушбу сайтда Интернет-телефония, Интернет-дўкон, онлайн тизимида маркалар коллекция қилиш бўлимлари, шунингдек, газета ва журналларга обуна ташкиллаштирувчи ҳамда совғаларни тегишли манзилга элтиб беришга буюртма қабул қилувчи махсус бўлимлар бор. Хитойда 20 мингдан зиёд почта бўлимлари компютерлаштирилган бўлиб, улар, айниқса қишлоқ жойларида, Интернетга улааниш бўйича муҳим марказлар ҳисобланади.

(Давоми бор.)
asxabar@mail.uz

Компьютер саводхонлиги



Газетамизда ўтган йилдан буён «KOMPUTER SAVODXONLIGI» рукни остида компьютер дарслари бериб борилаётган эди. Ушбу сондан бошлаб кўплаб ўқувчиларнинг истакларига кўра компьютер сабоқларини давом эттирамиз. Бу гал «Эффект-молия» ўқув-илмий маркази томонидан оддий ва тушунарли усулда тайёрланган «Компьютерда офис ишлари: Windows XP, MS Office (Word, Excel), Paint» ўқув кўлланмасини чоп этиб боришни режалаштирдик. Мазкур кўлланма компьютерда ишлашни ўрганишга аҳд қилганларга мўлжалланган. Сабоқларни «Эффект-молия» ўқув маркази бош мутахассиси Азизбек НЕЪМАТУЛЛАЕВ олиб боради.

1-ДАРС.

Компьютер тарихи

Компьютер сўзи «ҳисобловчи» деган маънони билдиради. Компьютер атамаси XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Ҳозирги замонавий компьютерларнинг ишлаш таъминоти 1942 йилда инглиз математиги Нейман томонидан яратилган. Айни пайтда асосан PENTIUM компьютерларида Office ва бошқа дастурлар юритилмоқда. PENTIUM деб аталишига сабаб, бундай компьютерлар рус олими Пентюков томонидан яратилган.

Ҳозирги замонавий компьютерлар асосан 3 қисмдан иборат:

1. **Процессор** ёки **системный блок**.
2. **Монитор** ёки **дисплей**.
3. **Клавиатура** ва «сичқонча».

Процессор – компьютернинг асосий қисмидир. Процессорда 3 хил хотира жойлашган.

1. **ОЗУ** — тезкор хотира (Оперативно-Запоминающее Устройство).
2. **HDD** — доимий хотира (Hard Disk Drive).
3. **Видео хотира** — бу хотира тасвирга жавоб беради.

Принтер — бу мониторда тайёрланган маълумотларни қоғозга чоп қилувчи ускунадир.

Монитор — қилаётган ишларини экранда кўриб туриш имконини беради.

Энг оммалашган дастурлар — MS-DOS, NORTON ва Windows дастурларидир. Биз ушбу ўқув кўлланмаси ёрдамида ҳозирги кунда энг тараққий этган Windows XP, Office (Word, Excel), Paint дастурларини ўрганишга киришамиз.

Word — бу инглиз тилидан олинган бўлиб, «Сўз» деган маънони билдиради ва бу дастур ёрдамида турли хил матнлар ёзилади.

Excel — электрон жадваллар билан ишловчи дастур. Бу дастур ёрдамида асосан ҳисоб-китоб ва жадваллар билан боғлиқ ишлар бажарилади.


Принтерлар 3 хил бўлади:

1. **Матричный.**
2. **Струйный.**
3. **Лазерный.**


Ҳар бир нарсанинг ўлчов бирлиги бўлганидек, компьютер хотирасидаги ахборотнинг ҳам ўлчов бирлиги бор. Булар: **бит (bit)**, **байт (byte)**, **килобайт (kilobyte)**, **мегабайт (megabyte)**, **гигабайт (gigabyte)**, **терабайт (terabyte)**.

Компьютерни ёқиш ва ўчириш


Компьютерни ёқиш учун:


1. «Сетевой фильтр» ёқилади.
2. Процессордаги  (POWER)


тугмачаси босилади.

3. Монитордаги  туғмача босилади.

Компьютерни ўчириш учун:

1. «Сичқонча» ёрдамида «Пуск» туғмачаси  бир марта босилади.

2. Стрелкани «Выключить компьютер...»  га олиб келиб, «сичқонча»нинг чап тарафи босилади.

3. Экранда пайдо бўлган ойнанинг «Выключение»  туғмачаси босилади.

4. Монитор ўчирилади.

Компьютерни «перезагрузка» қилиш (ўчирмасдан қайта ёқиш):

1. «Пуск»га кирилади.
2. «Выключить компьютер...» босилади.
3. «Перезагрузка» туғмачаси босилади.

Клавиатура билан ишлаш

Клавиатуралар турлари бўйича 103 - 109 клавишлардан иборат бўлади:

- қизил рангда ёзилган **Адан Я** гача ҳарфлар ёрдамида кирилл алифбосидаги матнларни ёзиш мумкин;

- қора рангда ёзилган **Адан Z** гача ҳарфлар ёрдамида латин алифбоси асосидаги матнларни ёзиш мумкин.

Алифбони кириллчадан латинчага ёки аксинча алмаштириш учун **SHIFT** ва **ALT** клавишларини қўшиб босамиз.

ESC — буйруқларни бекор қилиш учун ишлатилади.

F1 — F12 — бу функционал клавишлар бўлиб, улар асосан NORTON дастурида турли буйруқларни бериш учун ишлатилади.

Print Screen SysRq — экрандаги ойнани саклаб қолади.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0 — сонларни ёзиш учун мослашган.

Caps Lock — ҳарфларни катта ва кичик кўринишларда ёзиш имконини беради.

Enter — ахборотни киритиш учун мослашган.

Backspace ёки < курсорнинг чап томонидаги ҳарфларни ўчириш учун фойдаланилади.

— стрелкалар ёрдамида курсор мос ҳолатда хоҳлаган томонга олиб борилади.

Home, End — курсорни қатор бошига ёки охирига тезда олиб ўтади.

Page Up } ёзаётган саҳифани юқоридан пастга ёки пастдан юқорига ўтказиш учун фойдаланилади.


Page Down } **Delete** — курсорнинг ўнг томонидаги ҳарфларни ўчириш учун фойдаланилади.

Num Lock — клавиатуранинг ўнг томонидаги қўшимча клавишлардан фойдаланиш мақсадида ёқиш ёки ўчириш учун ишлатилади.

Компьютерда компакт дискларни (CD) қўйиш

Компьютерда компакт дискларни (CD) қўйиш учун:

1. Дискни «CD-ROM»га қўямиз.
2. «Рабочий стол» ойнасидаги «Мой компьютер»га стрелкани олиб бориб, 2 марта «сичқонча»нинг чап туғмачасини босамиз.
3. Натижада куйидаги «Мой компьютер» ойнаси очилади.



4. «CD» учун қайси белги ажратилган бўлса, ўша дискнинг (масалан, CD-RW дисковод F:) устига курсорни олиб бориб, «сичқонча»нинг чап туғмачасини 2 марта босамиз.

5. Кейин «CD»нинг ичидаги маълумотлар солинган папкалар рўйхати экранга чиқади. «Клип»лар солинган (MPEGAV) папканинг устига «сичқонча»нинг чап туғмачасини 2 марта босганимизда, клиплар жойлашган ойна чиқади ва клипни қўйиш учун клип белгиси устига «сичқонча»нинг чап туғмачасини яна 2 марта босамиз. Натижада экранда клип намойиш этила бошланади.

6. Тасвирни катталаштириш учун клип ойнасининг «Вид» бўлимига кириб, «Во весь экран»ни босамиз ёки клавиатурадаги «Alt» ва «Enter» туғмачалари бирданига босилади.

7. Клип ёки ашула эшитиб туриб ҳам бошқа ишларни бажаришимиз, масалан: ёзиш, чиқиш, ҳисоблаш мумкин.

Файллар ва папкаларни яратиш

Файл — бу компьютер хотирасидаги ахборотдир.

Папка — компьютер хотирасида файлларни тартибга солиш учун яратилади.


«Файллар» ва «Папкалар» яратиш учун:

1. «Рабочий стол»нинг бўш жойи-

га курсорни олиб бориб, «сичқонча»нинг ўнг туғмачасини 1 марта босамиз.


2. Кичик ойна чиқади, сўнг «Создать» буйруғи орқали «Текстовый документ» босилади ва ном берилади. Натижада «Файл» яратилади.

«Папка» яратишда ҳам худди «Файл» яратиш каби ишлар қилинади, фарқи эса «Текстовый документ» эмас, балки «Папка» белгиси босилади ва ном берилади.




Файлнинг номини ўзгартириш

Файлнинг номини ўзгартириш учун масалан, «Телефон» деб номланган файлнинг устига курсорни қўйиб, бир марта «сичқонча»нинг ўнг туғмачасини босамиз. Курсорни «Переименовать» буйруғига олиб бориб, бир марта «сичқонча»нинг чап туғмачасини босамиз. Сўнг файлга бошқа ном қўямиз.



(Давоми бор.)



У тўппончани менга қаратиб маҳкам ушлаб турарди. Мени хайрон қолдирган нарса шу бўлдики, унинг уйида нима учун пайдо бўлганини сезганимда ҳам мутлақо хотиржам эдим.

— Нега ўлимга маҳкум этилганимдан беҳабар ўлиб кетишни хоҳламайман, — дедим мен. — Ажабо, сизни ким ёллаган экан-а?

— Эҳтимол ганимларингиз-дир?!

— Ганимларим... Мен уларни

нарса ичаман. Аммо шундай туринги, сизнинг қўлларингизни кузатишим осон бўлсин.

— Наҳотки, мени ёнида заҳар сақлайди деб ўйласангиз?!

— Йў-ўқ, Аммо шундай бўлиши ҳам мумкин.

У мен иккита қадаҳни олиб, тўлдиришимни кузатиб турди ва оромқурсига ўтирди. Мен эса унинг қаршисидаги стулчага чўқдим.

— Ҳозир менинг хотиним қаерда?

— Улар сиздан инсоф-диёнат тилаб, беҳуда оҳ-воҳ чекадилар.

— Ҳа.

— Улар сизга пул таклиф этишадими?

— Кўпинча, шундай...

— Пулнинг эса сизга аҳамияти йўқ.

— Шундай...

— Тасвирий санъат асарининг орқа томонида, деворда махфий сейф бор, жаноб Смит.

У яна мен кўрсатган томонга кўз югуртирди.

каб иш эмас.

Смитнинг ранги дув оқариб кетди.

— Мен сизни бир сония ҳам кўздан қочирмадим. Алдаяпсиз. Сиз қадаҳларни алмаштиргангиз йўқ.

— Тавба, ахир икки марта анави тасвирий санъат асарига қарадингиз. Ё эсингиздан чиқдимми?

Ғайриихтиёрий равишда у асарга яна бир нигоҳ ташлаб қўйди.

Ҳозир мен кетаман ва сиз мени бошқа ҳеч қачон кўрмайсиз.

Мен бошимни чайқадим.

— Йў-ўқ, Мен ўз режамни афзал кўраман. Ўзимни келажакда хавф-хатардан холи этгим келади.

У ўйлиниб қолди.

— Нима учун сиз полицияга мурожаат қилишни хоҳламайсиз?

— Бунинг сабаблари бор.

Смит дарҳол тўппончани чўнтагига солди-ю хаёлига «ялт»

Рад этиб бўлмас далиллар

Жек РИТЧИ

(Детектив)

... полицияни сейфда бўш қадаҳ нима учун турганлиги қизиқтиради. Қотиллик бўйича тергов бораётганида бармоқлар эгасини топиш у қадар мураккаб иш эмас.

билмайман. Мабодо у менинг хотиним эмасми?

— Топдингиз, — жилмайди у. — Сабаблари эса сизга ойдек равшан.

— Шундай денг, — мен ух тортдим. — Ҳа, пулим, молу дунёим кўп. Қани энди хотиним шуларга тезроқ яқна ўзи эга бўла қолса...

У менинг бошимдан оёғимгача қараб чиқди.

— Сиз неча ёшдасиз?

— Эллик ўча.

— Хотинингиз-чи?

— Йигирма иккида.

У лабларини чапиллатиб қўйди.

— Жаноб Вилямс, шундай бўлгач, унда садақат нима қилсин?!

— Бир-икки йилда ажрашиб кетсак керак, деб юрардим. Хотинимга тузуқнама маблағ ҳам тегарди-ку.

— Сиз унинг иштаҳаси қанчалик ҳақалак отганини тасаввур ҳам этолмабсиз.

Нигоҳим айлиниб яна унинг қўлидаги тўппончага тушди.

— Сезишимча, сиз илгари ҳам одам ўлдиргансиз.

— Ҳа.

— Қарангки, бу сиз учун гоят мароқли машғулот экан.

— Тўғри, одамни жонидан жудо қилишнинг турган-битгани роҳат-фароғат!

Мен унга диққат билан термулиб қолдим.

— Келганингизга икки дақиқадан ошди, бироқ мен ҳамон тирикман.

— Шошилиб қаерга ҳам борардик, жаноб Вилямс, — деди у мулоимгина.

— Демак, сиз учун қотиллик жараёни у қадар ҳам муҳим эмас, муҳими — қотилликнинг ҳаяжонли муқаддимаси.

— О, жаноб Вилямс, нақадар зуккосиз-а.

— Юэма-юз мулоқотимиз жонингизга тегмагунча мен яшашда давом этаман, шундайми?

— Албатта, аммо иккаламининг ҳам вақтимиз тиғиз.

— Тушундим. Бирор ичкилик ичинши хоҳлайсизми, жаноб?!

— Смит... Бу ёдда қоладиган исм. Ҳа, бажонидил бирор

— Мехмонда, жаноб Вилямс. Ҳадемай нақ ўн-ўн уч чоғли одам қасам ичиб, унинг айбсизлигини тасдиқлайди.

У қадаҳни ўртаимизда турган столга қўйди.

— Худди шундай. Сизни ўлдиргач, мен қадаҳни ювиб, яна барга қўйиб қўяман. Кетишимдан олдин бармоқ изларини ҳам яхшилаб артиб чиқаман.

— Демак, мени ўғри ўлдирар эканда-а? Ул-бул олиб чиқиб кетсангиз бўлармиди, ўғрилик содир этилганининг исботи учун...

— Бу мутлақо шарт эмас, жаноб Вилямс. Полиция, ўғри сизни ўлдириб қўйгач, ўтақаси ёрилиб, ҳеч нарса олмай қочиб қолган, деган хулосага келади.

— Анови тасвирий санъат асарининг тархи уч минг доллар туради.

У асарга бир назар ташлаб олгач, яна менга тикилди.

— Сиз мени синаб кўряпсизми, жаноб Вилямс? Аммо сизнинг ўлимингизни мен билан боғлашларини асло истамасдим. Мени санъат асарлари хайратга солади, айниқса уларнинг моддий томондан қимматини жуда қадрлайман, лекин электр стулига ўтиришга рози бўладиган даражада эмас. (У қулди.)

Ёки жонингиз омон қолиши эвазига шу асарни таклиф этишни қўзлаб турибсизми?

— Худди шуни ўйлаётгандим.

У бошини чайқадди.

— Таассуф, жаноб Вилямс.

Мен буюртма олдимми, уни албатта адо этаман. Касбий бурч шуни тақозо этади.

Мен қадаҳни столга қўйдим. — Сиз менда кўркүв аломатларини кўраман деган умиддасиз-а, жаноб Смит?

— Ҳа, гап вазиятнинг кескинлигида, шундай эмасми, жаноб Вилямс? Кўркүв дахшати... Уни бошдан кечириб туриб, ўзини пинакни бузмагандек тутишининг мушкуллигида.

— Жабрдийдаларингизнинг раҳм-шафқат сўраб-ёлворилишга кўникиб кетгансиз. Шундайми?

— Шундай десак ҳам бўлаверди.

— Ҳўш?

— Унда беш минг доллар бор.

— Эҳ-ҳе, бу катта пул, жаноб Вилямс.

Мен ўз қадаҳини кўтариб, девор томон йўналдим. Сейфни очиб, жигарранг хатжилдни олдим-да, вискини охиригача симириб, қадаҳни ичкарига қўйгач, эшикчасини сал туртгандим, тарақлаб беркилиб қолди.

Смитнинг нигоҳи хатжилдга қадалганди.

— Марҳамат қилиб, уни буюққа олиб келсангиз.

Мен хатжилдни столчага, қадаҳ ёнига қўйдим.

— Наҳотки сиз ҳаётингизни сотиб олишни хаёл қилаётган бўлсангиз?

Мен чекишга тутиндим.

— Йўқ. Мен кўриб турибман, сиз сотиладиганлардан эмассиз.

— Ундай бўлса, нега сиз беш минг таклиф қилаяпсиз?

Мен хатжилдни столчага қокдим.

— Ие, эски тўлов дафтарчалари. Улар ҳеч қандай қимматга эга эмас-ку!

Унинг жибгиброни чиқиб, юзлари қизариб-бўзарди.

— Бу қанақа найранғбозлик?!

— Йўқ, мен сейф ёнига бориб, унга сизнинг қадаҳингизни қўйиб қўйиш имкониятига эга бўлдим, холос.

Смит столчадаги қадаҳга бир қараб қўйди.

— Мана менинг қадаҳим.

Мен илжайдим.

— Сизники сейфда, жаноб Смит. Энди турган гапки, полицияни сейфда бўш қадаҳ нима учун турганлиги қизиқтиради. Қотиллик бўйича тергов бораётганида бармоқлар эгасини топиш у қадар мураккаб



— Мен унга бир ёки икки сониядан ортиқ қараганим йўқ.

— Шунинг ўзи кифоя эди.

У чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасини қоллаган терни арди.

— Бўлмаган гап! Қадаҳларни бир-икки сонияда алмаштириб бўлмайди.

— У ҳолда сизни детективлар ташрифи гоят таажубга солади, албатта. Ва маълум вақт ўтгач, ўзингизни электр-стулда кўрасиз. Шу тарзда ҳаёт билан видолашиш имкониятига эга бўласиз ва сиз ҳам ўлимни кутишдан шундай яйраб баҳра оласизки, асти қўяверинг.

У тўппончасини янаям баландроқ кўтарди.

— Қизиқ, — давом этдим мен, — сиз қандай ўлар экансиз? Сиз кадр-қимматингизни ерга урмай, хотиржамгина бориб стулга ўтираман, деган хаёлга борманг, Смит. Бе, қаёқда? Сизни судраб, мажбурлаб олиб бориб, «ўлим стули»га ўтказишади.

— Сейфни очинг, акс ҳолда сизни ўлдирарман, — буюқди у.

Мен хоҳолаб қулдим.

— Кўйсангиз-чи, жаноб Смит. Агар сейфни очсам, мени нариги дунёга равона қилишингизни иккалаимиз ҳам англаб турибмиз.

Орага узок жимлик чўқди.

— Сиз қадаҳни нима қилмоқ-чисиз ўзи? — деди Смит.

— Агар мени ўлдирмасангиз, демак, мен қадаҳни хусусий детективлар агентлигига топшираман ва улардан бармоқ изларини суратга олиб қўйишларини сўрайман.

Уларнинг пайдо бўлиши сабаблари ёзилган хат билан суратни хатжилдга солиб қўяман. Мабодо менинг жонимга қасд қилинган чоғда уни полицияга топшириш зарурлиги тўғрисида кўрсатма қолдираман.

Смит чуқур ух тортди.

— Буларнинг бари ортиқча.

этиб келган фикрни айтди.

— Рафикангиз бошқа қотилни ёллаши мумкинми?

— Ҳа, бўлиши мумкин.

— Шунда сизнинг ўлимингизда мени айблашади. Ва мен ажал стулига мубтало бўламан.

— Шундай бўладиганга ўхшаб қолди. — Агар... — Смитнинг бутун вужуди қулоққа айланди. — Агар у бошқа қотилни ёллашга муваффақ бўлолмаса...

— Эҳ-ҳе, улар кўп, ўндан ортиқ... — деди-ю бирдан тилини тишлаб, синиқ жилмайди.

— Хотиним сизга қаёққа кетаётганини айтдимми? — Петерсонларникига. У соат ўн бирларда қайтмоқчи эди.

— Ўн бирларда. Жуда соз. Ҳозир тунлар қоронғу. Петерсонлар қаерда яшашини биласизми?

— Йўқ.

— Брижэмптонда, — мен унга манзилни айтдим.

Смит палтосининг тугмаларини қадади.

— Сиз-чи, сиз қаерда бўласиз соат ўн бирларда, жаноб Вилямс?

— Клубда. Ошналарим билан карта ўйнамоқчиман. Хотинимни отганлари тўғрисидаги қайғули хабарни эшитиб, улар ҳойнаҳой менга таскин-тасалли беришар...

— Ҳаммаси вазиятга боғлиқ, — деди у ва қуруқгина табасум билан хонадан чиқди.

Смит кетгач, столчада турган қадаҳни детективлар агентлигига топшириб, клубга йўл олдим. Сейфни очмадим ҳам. У қадаҳда фақат менинг бармоқларимдан қолган изларгина бор эди-да...

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Қаҳқор ишдан сўнг опасидан хабар олиб қайтаётгани, йўлидан синфдоши Шокир чиқиб қолди. Анчадан буён кўришмаган оғайнилар бир-бирларини соғиниб қолишган экан, уйга кетишга ҳеч кўзлари қиймади. Шунда Шокир Қаҳқорни йўл бўйидаги шинам ошхонага етаклади.

— Юр, бир отамлашамиз. Кўришмаганимизга ҳам анча бўлибди.

Бор пулини жиянларига ул-бул харид қилиб тугатган Қаҳқор ўзини ноқулай сазди.

— Бошқа пайт кирармиз. Ҳозир қандоқ бўларкин?

— Қандоқмас, қандай бўлади! Юр, чиқими мендан.

Қаҳқор ноилож Шокирнинг ортидан юрди. Шокир кўз очиб юмгунча стол устини егулик ва ичкиликлар билан тўлдириб ташлади. Унинг ҳали у, ҳали бу чўнтагидан даста-даста пул чиқараётганидан Қаҳқорнинг кўзи ўйнаб кетди. У умри бино бўлиб қўлига бунча пул ушламаганди-да.

— Бўлди, Шокир, кўп овора бўлаверма. Чўнтак ҳам бўшаб қолди-ёв. Тагин уйингдагилар... — Менга уйдагилар ҳўжайин эмас. Ўзим топиб, ўзим йўқотаман, қани биронтаси «гинг» деб кўрсин.

Шокир мақтангиси келдими, чўнтақларида қолган пуллари столнинг устига қўйди.

— Биласанми, бу пуллар левийдан келган, левийдан...

Ўша куни икки ошна бўқунча ичишди. Қаҳқор уйга соат ўн бирларда гандираклаганича кириб келди. Кеч қоладиган одати йўқлиги учун уйдагилар хавотирланиб кутиб ўтиришган экан.

Шу кундан бошлаб унинг ҳаёлидан Шокир кетмай қолди. Унга ҳавасдан кўра кўпроқ ҳасад қилди. Бир пайтлар «икки» ба-

Ўзининг аҳволи ҳақида гапириб, раҳмини келтиради. Сўнг ёрдам сўрайди. Керак бўлса бирга иш-лашни таклиф этади.

Қаҳқор шундай қилди ҳам. Кунора Шокирни улфатчилик баҳонасида ичкиликка таклиф этди. Сўнг муддаога кўчди. Омади чопдими, ичкиликнинг кучими, ҳарқалай Шокир Қаҳқорни

Рўзғордан орттириб мол-ҳол қилди. Кейинроқ янги уй-жой қилиб, кўчиб ўтди. Қараса, энди гами анча арибди. Болалари ҳали ёш, қатта бўлгунча бир гап бўлар. Ён-верига қараса, ҳам-касблари тараллабедод қилиб юришибди. «Энди мен ҳам улардай ўйнаб-қулиб юрай, ахир, дунёга бир марта келаман-ку», деди

бўлди. У билмасдики, кимдир рози бўлиб берса, кимдир норози бўлиб беришини. Ҳаромдан келган пул ҳаромга кетиб, ош бўлмаслигини.

Ҳамма нарсанинг интиҳоси бўлганидек, Қаҳқорбойнинг юлғичлиги ҳам поёнига етди. Сотувчиларнинг шикоятлари билан у ишдан четлатилди. Қиморда

«Левий»дан келган бойлик...



Ҳалол ҳам аниқ ва равшан, ҳаром ҳам аниқ-равшан. Шубҳалисини қўй, бешубҳасини ол.

ҲАДИС.

ҳодан бошқасини олмайдиган, базўр падагини судраб юрадиган синфдоши бир айлануб пулдор бўлиб ўтирса-я?! У бўлса мактабни олтин медалга, институтни қизил дипломга битирди. Аммо оладиган маоши ҳаминқадар, рўзғордан ошмайди. Кўча-кўйда ҳам ошна-оғайниларига дадил қўшилиб кетолмайди. Қачонгача шундай яшаркин?

Қаҳқор кеча-ю кундуз Аллоҳга ёлворади:

— Эй Яратган эгам, менинг кўллариим ҳам даста пул тутармикин ё бир умр маош кутиб, кун санаб ўтиб кетаманми? Менга ҳам Шокирникидек бойлик ато эт. Берарингдан қисмагин!

У ўйлай-ўйлай режа тўзди. Шокирнинг пинжига қиради.

Ўзига ёрдамчи этиб ишга жойлаштирди. Уларнинг вазифаси ўзларига бириктирилган савдо дўконларини текшириш ва тартибга солишдан иборат эди. Ишга кирганига бир ҳафта бўлмаёқ, озроқ бўлса-да, қўли пул кўрди. Шу куни хурсандлигидан йиғлаб юбораёзди. Онаси ва хотинининг севинчи ҳам уникидан кам эмасди. Хотини нуқул:

— Шукр, етказганига шукр. Биз ҳам зорикмай яшайдиган бўлибмиз. Энди рўзғоримиз бут бўлади, — дерди.

Аваллига Қаҳқор топган-тутганини уйига ташиди. Моддий аҳволи яхшиланди. Ўзи ҳам, оиласидогилар ҳам янги урфда кийим-бош қиядиган бўлишди.

ва ҳаромдан топган пуллариини ҳаром ишларга сарфлай бошлади — кимор ўйнади, кўнгилихушлик қилди.

Албатта, уларнинг барига кўп пул керак эди. У эса осон пул топишнинг ҳадисини олди. Кунора дўкон айланади. Ўзи дўконга кирмай, панароқда туради. Икки харидор ёллаб, уларни ул-бул харид қилиш учун киргизади. Улар дўкондан чиқаётганда, остонада тўхтаиб, харидларини текширади. Табиийки, айб топди, сўнг дўк-пўлисага ўтади. Сотувчи ҳам ундан қутулиш мақсадида оғзига сиққанини беради. Кейин яна Қаҳқорнинг ошиги олчи, айтгани-айтган, дегани-деган. У бир пайтлар оддийгина Қаҳқор эди. Кейин Қаҳқорбой

тизасигача қарзга ботди. Бор-будини сотиб тугатди. Хотини эса болаларини олиб, уйига кетиб қолган. Ҳозир укасининг уйида сизинди бўлиб ўтирибди. Баъзида келинининг аччиқ-тирсик гаплари қулоғига чалиниб қолади:

— Улармиди, топган пайтида аяброқ ишлатиб, жамғариб қўйса! Пул ўз-ўзидан оқиб келаверади, деб ўйлаган экан-да. Ҳозир ҳам кечмас, бирон жойдан иш топиб ишласин. Биз қачонгача уни боқамиз. Ёш бола бўлсайкан!

Бу гапларни эшитиб, Қаҳқор ич-ичидан эзилади. Қилган ишларидан пушаймон бўлади. Ўшанда пул қутқусига уммаганида, ҳозир қурилишда тинчгина ишлаб юрган бўлармиди? Балки аллақачон амалга минармиди? Ойласи ҳам ёнида, тинчгина яшарди. Мана эрта-индин оғайнилари ўғил уйлаб, қиз чиқаради. У бўлса...


ТўЛГАН ОЙ

TEST

Сиз тоқатлимисиз?

Куйидаги 15 саволга жавоб берганингиздан сўнг, юқоридаги саволга жавоб топасиз. Саволларга фақат «ха» ёки «йўқ», деб жавоб беринг.

1. Кимгадир бир нарсани тушунтирсангиз у сизни тушунмаса, яна бир марта тушунтирасизми?
2. Дўкондан нимадир харид қилмоқчисиз, аммо дўконда одам кўп, шунда харид қилишдан воз кечасизми?
3. Тақдирингизни ҳал қиладиган бирор воқеа содир бўладиган бўлса, кечаси ухломасдан чиқасизми?
4. Почта қутисидан хатни олиб, ўқимасдан тура оласизми?
5. Сиз орзу қилган буюмни сотиб олиш учун керакли маблағ йиғилиб қолди. Аммо сиз эшитдингизки, ўша нарсанинг энг чиройли ва замонавийси ярим йилдан сўнг ишлаб чиқариларкан. Ярим йил кута оласизми?
6. Шифокор ҳузурига кириш учун кўп кутиш асабингизга тегадими?
7. Орзуларингиз амалга ошиши қийинлашса, бу ҳол сизни ўйлантирадими?
8. Бирор танишингизни кутмоқдасиз, аммо у кечикди. У келгунча кута оласизми?
9. Сиз интиқлик билан кутган машғулот борми?
10. Сизнингча, атрофингиздагилар жуда секин ҳаракат қилишмаяптими?
11. Танишингиз ўз ҳаёти тўғрисида қизиқарли, аммо секин сўзлаётган бўлса, уни тоқат билан эшита оласизми?
12. Дўконда кимдир сиздан олдин навбатсиз харид қилмоқчи бўлса, асабийлашасизми?
13. Телевизорингиз ёмон кўрсатиб, бижирлайверса, у тўхтагунча кута оласизми?
14. Кўчадан телефон қилмоқчисиз, аммо телефонда гаплашаётган киши сизни роса куттирди. Яна бироз кутишга сабрингиз чидайдими?
15. Сиз ушбу саволлар тизимига жавоб беришдан олдин, уларга эътибор қилдингизми?




Энди берилган жавоб балларини ҳисоблаб чиқасиз. Унда ҳар бир «ха» жавоби учун бир балли 1, 5, 8, 9, 11, 12, 13, 14-рақамли саволларга ва «йўқ» жавоби учун бир балли 2, 3, 4, 6, 7, 10, 15-рақамли саволларга беринг. Натижасини куйидаги изоҳлардан билиб оласиз:

12-15 балл тўплаганлар, Сизнинг тоқатингизга балли! Аммо ҳар қандай тоқатнинг ҳам чегараси бўлади. Уйлаб кўринг, сиз жудаям лаллайган, имиллаган одам эмассиз. Сиз учун кўпроқ фаоллик ва ташаббускорлик янада фойдалидир.

5-11 балл тўплаганлар, Сизни қутласа бўлади. Ўз мақсадингизга эришингиз учун Сизга ҳаракатчанлигингиз ёрдам беради.

5 баллдан кам тўплаганлар, Сиз ўта бегоқатсиз. Сизни қатта қийинчиликлар кутади.

KROSSVORD



asxabar@mail.uz

ЭНИГА:

1. Самарқандда XV аср бошларида теурийлар томонидан барпо этилган жомеъ масжиди. 5. "...нинг сўнги фармони" (бадий филм). 12. Баҳор чечаги. 13. Эраклар исми. 14. Адабий-бадий жанр. 15. XXVIII Ёзги Олимпиада ўйинлари ўтказилган шаҳар. 17. Хунармандчилик турларидан бири. 21. "Кутлуг қон" асари қахрамони. 23. Атоқли ўзбек адиби, академик, жамоат арбоби. 25. Ўсимликлар дунёси. 26. VIII аср бошларидаги Самарқанд ҳукмдори. 27. Бурж. 29. Йирик маъмурий-худудий бирлик. 30. Ёзувчи Неъмат Аминов қаламига мансуб асар. 32. Сирдарё ирмоғи. 33. "Нью-Йорк ..." (газета). 35. Балик тури. 40. Табиатдаги тўрт муҳим унсур — сув, ҳаво, тупроқ, ... 42. Мумкин эмас. 45. ... 007. 46. Марказий Африка Республикаси пойтахти. 47. Умумхалқ тилининг муайян ҳудудга хос тармоғи, маҳаллий кўриниши. 48. Қора денгиз бўйидаги порт ва курорт шаҳар. 50. Сурхондарёдаги қадимий одамлар манзилгоҳи топилган жой. 54. Олма нави. 56. Юқори қисми Мачайдарё, қуйиси Қорасув номлари билан аталувчи юртимиз жанубидаги дарё. 59. Бухоро вилояти худудидаги қадимий шаҳар (харобалари сақланиб қолган). 60. "Рамаяна" достони қахрамони. 61. Ўсимликларнинг "ҳаётий фаолияти". 62. Тошкент билан бир хил кенгликда жойлашган чет элдаги пойтахт-шаҳар.

БҲЙИГА:

2. Саъдий Шерозий асари. 3. Пойтахтимиздаги майдон. 4. Шифобахш гиёҳ. 6. Оғир, қийин. 7. Бошқотирма тури. 8. Марказий Осиёдаги тоғ тизмаси. 9. Жиззах вилоятидаги туман. 10. Дилшоиди ... — ўзбек шоираси. 11. Ўсимликлар тўғрисидаги фан. 16. Занжабил. 17. Эстрада гуруҳи. 18. "...ини топса қор ҳам ёнади" (мақол). 19. Эрондаги қадимий шаҳар, Саъдий ва Хофизнинг ватани. 20. Франклар империяси асосчиси, Буюк қирол. 22. Абдулла Қаҳҳор романи. 24. Ёшлар ихтимойи ҳаракати. 26. Иссиқ шамол. 28. Ўзбекистондаги ягона субтропик ботаника боғи жойлашган шаҳар. 29. Қелишган, хушбичим. 31. Ички ишлар бошқармаси (қисқартмаси). 34. Муסיқий театр асари. 36. Судралиб юрвчи жонивор. 37. Самарқанд вилоятидаги туман. 38. Ҷўл, биёбон. 39. Қуйи қисми Қорақўлдарё номи билан юритилувчи дарё. 41. Юз, чехра (мумтоз адабиётда). 43. Тўғри йўлдан адашган, иймонини йўқотган. 44. Хунарманд аёл. 49. Асарнинг кириш қисми. 51. Италиялик машҳур болалар ёзувчиси. 52. "...Эна-сой" ёзуви. 53. Россиядаги шаҳар. 55. Тошкент вилоятидаги қадимий шаҳар. 56. Танини қурол зарбидан ҳимоялайдиган жанг кўриниши. 57. ... ар-Рашид (машҳур халифа).

ЖАВОБЛАР
ЭНИГА: 1. Ботаника, 2. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 3. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 4. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 5. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 6. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 7. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 8. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 9. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 10. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 11. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 12. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 13. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 14. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 15. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 16. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 17. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 18. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 19. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 20. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 21. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 22. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 23. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 24. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 25. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 26. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 27. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 28. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 29. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 30. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 31. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 32. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 33. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 34. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 35. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 36. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 37. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 38. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 39. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 40. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 41. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 42. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 43. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 44. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 45. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 46. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 47. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 48. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 49. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 50. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 51. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 52. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 53. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 54. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 55. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 56. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 57. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 58. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 59. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 60. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 61. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти, 62. Ўсимликларнинг ҳаётий фаолияти.

1-APREL – KULGI KUNI



**АВВАЛ
НАПОЛЕОН
ЭДИМ...**

— Турмушга чиққанмисиз? — сўради судя гувоҳ аёлдан. Аёл хўрсиниб қўйди. Судя котибага қараб деди:
— Турмушга чиқмаган деб ёзинг...
— Уйланганмисиз? — деб сўради сўнг у гувоҳ эраққдан. Эрак ҳам хўрсинди. Судя котибага юзланди:
— Уйланган экан...

Харбий хизматга қақирув комиссиясида. Харбий комиссия раҳбари янги қақирилаётган йигитчадан сўради:
— Қаерда хизмат қилишни истайсан?
— Бош штабда!
— Ие, жинимисан?
— Жинни бўлиш... шартми?

Психиатр-врач мижозга деди:
— Сизни табрикласам бўлади. Сезиларли даражада тузалиб қолибсиз. Бунга прогресс дейдилар!
— Шу прогресс эканми? Ярим йил аввал мен ўзимни Наполеон деб ҳис қилардим. Ҳозир-чи? Ҳозир мен ҳеч ким эмасман...

Икки овчи учрашиб қолди.
— Қалай, омад келяптими?
— Келганда қандоқ! Ўн тўртта типратикан ушладим!
— Ўн тўрттасини нима қиласан?
— Э, иккитасидан хотинимнинг янги палтосига ёқа қилдираман. Қолганларидан уйдаги қайнонамга тўшак тикириб бераман!

Ядро физикаси соҳасида машҳур бўлган икки профессор ресторанда ўтириб баҳслашарди. Уларнинг ёнидан кетворган бир жонан қиллиллаб ўтиб кетди. Иккала олим ҳам оғзини очиб қараб қолишди. Ниҳоят, профессорлардан бири хайратини яширолмади деди:
— Атомларнинг бу даражада гўзал, бу даражада мутаносиб гуруҳланиб олганига қаранг-а!..

Жавоҳир АҲМАД
тайёрлади

ШОН VA MOT...

Шахмат ўргатгани учун...

Қароқчилар XVI асрнинг машҳур шахматчиси Жованини Леонардонинг укасини асир олиб, 200 олтин дукат товоп пули талаб қилишди. Товоп пулини топшириш учун кемага келган шахматчи ногоҳ қаютадаги шахматни кўриб қолади. Қароқчилар бошлиғи 50 олтин дукат соврин тикиб, бир қўл ўйнашни таклиф қилади.

Машҳур шахматчи жами олти қўл ўйинни ютиб, укасининг товоп пулини қайтариб олибгина қўймай, қўшимча яна 100 дукатни ўз ҳамёнига солиб кетади.

Наполеон Бонапарт тахта ўтиришидан олдин Париждаги "Режене" клубида тез-тез шахмат ўйнаб тураркан. Уйини анча бўш экан. Мабодо рақибни узокроқ ўйланиб қолса, бетоқат бўлиб, лабларини чўччайтириб, тахта четини бармоқлари билан тақиллатар экан. Худо кўрсатмасин, агар ютқазиб қўйгудек бўлса, шуҳратпараст генерал муштини ишга солиб, тахтадаги сипоҳу пиёдаларини остин-устун қилиб ташларкан.

Уша замон газеталаридан бирида шундай деб ёзилган:
"Наполеон шахматни жуда ёмон ўйнаса-да, деярли ҳамиша ютиб чиқарди. Эеро, хушомадгўй рақиблари шундай қилишга мажбур эдилар. Аслида бўлажак император парижонхаёл ўйнар, сабабсиз пиёда ва сипоҳларини бой берар, шу боис рақибларининг ўзлари унга сездирамасдан ютқазиб беришарди..."

Америка Президенти Линколн укүвсизроқ ўйинчи бўлса-да, шахматни яхши кўрарди.

Кунлардан бир кун у меҳмонхонага кириб, шахматга кўзи тушади. У меҳмонхона хўжайинига шахмат ўйнашни таклиф қилади ва... икки партияни тезда бой беради.

— Ҳеч қачон бу қадар тез ютқазмагандим! — дейди шунда Президент.

— Мен ҳам умримда ҳеч қачон бу қадар тез галаба қозонмаган эдим! — тан олади меҳмонхона хўжайини.

XVI асрнинг машҳур шахматчиси Паоло саёҳат пайтида қароқчилар қўлига тушиб қолади. Улар шахмат ўйнашни ўргатгани учун... Паолони товопсиз озод қилиб юборишади.

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали Ровон почта алоқаси тармоғи жамоаси корхона бош ҳисобчиси Минаваржон ЗАЙНИДДИНОВНИ туғилган кун и билан чин қалбдан табриклайди. Унга сихат-саломатлик, узок умр, бахт-саодат ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

